



**О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI BOG‘OT  
TUMANI HOKIMINING  
QARORI**

**Boğ‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy**

2021 -yil 29 - Март

1500 -son

**Boğ‘ot shaharchasi**

Фуқаро Тожибоев Бобохоннинг  
қурилиши тугалланмаган турар жой  
биносига бўлган эгалик ҳуқуқини  
белгилаб бериш тўғрисида

Боғот тумани “Пахтаобод” маҳалласида яшовчи фуқаро Тожибоев Бобохоннинг “Пахтаобод” маҳалласида жойлашган қурилиши тугалланмаган турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2021 йил 14 январдаги ШЯ-Т-128-сонли аризасини, “Пахтаобод” маҳалласи фуқаролар йиғинининг маълумотномасини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонаси Боғот туман филиалининг 2021 йил 8 январдаги 37-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, 1997 йил 12 августдаги 5-сонли олди-сотди шартномасига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20-январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

**Қ А Р О Р      Қ И Л А М А Н:**

1. Боғот тумани “Пахтаобод” маҳалласида жойлашган жами қурилиш ости майдони 179,3 квадрат метр, умумий ер майдони 1300,0 квадрат метр ушбу қурилиши тугалланмаган турар жой биносига нисбатан фуқаро Тожибоев Бобохонга мулк ҳуқуқи асосида унга эгалик ҳуқуқи белгилаб берилсин.

2. Фуқаро Тожибоев Бобохонга ушбу қурилиши тугалланмаган турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, кўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширишда Ўзбекистон

Республикаси “Ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Фуқаро Тожибоев Бобохонга ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Курьязов зиммасига юклатилсин.

**Боғот тумани ҳокими  
вазифасини бажарувчи**



**Ш.Яхшибаев**